



Малайзия халқаро савдо ва саноат вазирининг айтишича, вазирлик яқин кунларда қатор маҳаллий корхоналарнинг дунё халол озик-овкатлар бозорига янада интеграциялашувига ёрдам бериш учун чора-тадбирлар кўради.

Парламентнинг халол махсулотларга ихтисослашган махсус кўмитаси раиси Датук Хамим Самурийнинг таъкидлашича, дунёдаги мусулмон истеъмолчиларнинг талабларини қучлироқ қондириш учун Малайзия бундан кенгрок жаҳон бозорларига чиқиши лозим.

“Ал-умма” саҳифасига кўра, дунёдаги халол махсулотларнинг йиллик савдоси 500 млрд. АҚШ. долларини ташкил қилади. Авваллари халол озик-овкат деганда, асосан гўшт ва гўшт махсулотлари тушунилар эди. Охириги йилларда халол махсулотлар таркибига турли ичимликлар, парфюмерия, дори-дармонлар ҳам кирмоқда.

2012 йил ва 2013 йилнинг биринчи ярми давомида халол махсулотлар экспорт қилувчи асосий мамлакатлар Яқин Шарқ минтақаси мамлакатлари, АҚШ, Хитой ва Малайзия.